ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М.Қ.Пардаев, Т.Мамасоатов, О.М.Пардаев

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Самарқанд - 2012

М.Қ.Пардаев, Т.Мамасоатов, О.М.Пардаев

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

САМАРҚАНД – 2012

65.9(5У)
П180

Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т., Пардаев О.М. Инновацион иқтисодиёт – жамият тараққиётининг асосий омили. Услубий кўрсатма. Самарқанд, СамИСИ, 2012. – 16 б.

Тақризчилар: Б.А.Абдукаримов – профессор СамИСИ
Д.К.Усманова – доцент СамДУ

Мазкур услубий кўрсатмада иқтисодий тараққиётнинг янги йўналиши бўлган иноовация ва унинг асосий мазмуни қараб чиқилган. Унда мамлакатимиз тараққиётининг бош омили инновацион иқтисодиётни ривожлантириш бўлса, инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида асосий омил юқори технологик хизматларни жорий қилиш каби масалалар асосланган.

Иш иқтисодий тараққиётнинг янги йўналишини ўрганиувчиларга бағишланган.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2012.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиши одатда интенсив ва экстенсив омилларга боғлиқ эди. Эндиги XX1 - асрдаги иқтисодий ривожланишнинг яна бир омили инновацияон тараққиёт йўли *пайдо бўлди. Чунки ушбу йўл билан ривожланишни таъминлаган* мамлакатгина жаҳон тараққиётида ўз ўрнига эга бўлади. Шу жиҳатдан инновацион тараққиётни таъминлаш масаласи ҳозирги *пайтнинг энг муҳим масалаларидан бирига айланди.*

Инновацион тараққиёт ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Буни таъминлаш учун илмий ва техникавий тараққиётга, улар асосида *технологияларнинг мунтазам такомиллашиб* боришига эришиш лозим бўлади. Бунинг учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан бирга ўз фаолиятига янгиликларни жорий *килишга хам катта эътиборни қаратиш лозимдир.*

Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни кенгайтириш, илмий-техникавий ва технологик жараёнларни доимий равишда такомиллаштириб бориш, барча ресурслардан самарали фойдаланиш оркали инновацион тараққиётни таъминлаш учун барча чоралар кўрилмокда. Бунинг асосий омили бўлган таълимга мамлакатимиз раҳбарияти катта эътибор қаратмокда. Шу туфайли ҳар бир ўкувчи инновация, инноваион тараққиёт нималиги тўғрисида алоҳида тушунчага эга бўлиши керак. Айнан шу мақсадни кўзлаб мазкур иш тайёрланди.

Инновацион иқтисодиётни, унинг ривожланишини таъминлашнинг асосий омили инсон интеллектуал салоҳиятининг ўсиши билан белгиланади. Интеллектуал жиҳатдан салохиятли одамларгина янги ғояларни ва улар асосида инновацияларни яратади ва уни амалиётга жорий килади. Бундай одамлар яратилган инновациялардан самарали фойдалана олади.

Ишда барча иқтисодий тараққиётнинг янги йўналиши бўлган инновация ва унинг асосий мазмуни. улар билан боғлиқ жиҳатлар қараб чиқилган. Мамлакатимиз тараққиётининг бош омили инновацион иқтисодиётни ривожлантириш бўлса, инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида асосий омил юқори технологик хизматларни жорий килишдир. Шу туфайли ғоя, ихтиро, фан, таълим, технология каби масалаларнинг бир-бири билан боғлиқлигига эътибор қаратилган.

477889

1. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг бош омили

Инсон ҳар қандай кишилик жамияти равнақини таъминлаш билан бирга ўзи ҳам такомиллашиб бораверади. Инсон пайдо бўлибдики, унда нафс (манфаат) бор. Нафс эса инсонда эгалик ҳиссини устувор қилади. Эгаликнинг асосий объекти бўлиб, мулк ҳисобланади. Унинг предмети шу мулкни яратиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатларнинг такомиллашиб бориши эса, инсонларда ақлнинг ишлатилишини тақозо қилади. Бунинг маҳсули интеллектуал мулк бўлиб ҳисобланади. Интеллектуал мулкнинг яратилиши ўз навбатида бошқа мулкларни ва шу жумладан интеллектуал мулкнинг ўзини ҳам яратилишини тақозо қилади. Шу тариқа ривожланиш жараёни содир бўлади. Бу жараённинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмада келтирилган (1-расм).



1-расм. Тараққиётнинг таъминланиш жараёнидаги ўзаро боғлиқлик

Кўриниб турибдики, манфаат мулкни яратиш учун асосий туртки бўлар экан. Бу эса "каллани ишлатишни", яъни ақлни ишлатишни тақозо қилади. Шу йўл билан моддий мулк кўпаяди. Бу эса ўз навбатида тараққиётни таъминлайди. Кўриниб турибдики, интеллектуал мулк умуман тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этар экан. Ушбу мулкнинг ҳар қандай мамлакатнинг, шу жумладан мамлакатимиз равнақида ҳам катта ҳиссаси бор. Шу туфайли ушбу мулк тушунчасига қисқача бўлсада тўхталишни максадга мувофик, деб топдик.

Биринчи галда ушбу тушунчанинг таърифига аниқлик киритиш лозим. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқукининг алоҳида, ўзига хос объектидир. "Интеллект" лотинча сўздан

олинган бўлиб, "акл" маъносини беради[1]. Агар ушбу сўзни соф ўзбек тилида ифода этиладиган бўлса, уни "Ақлий мулк", деб аташ мумкин. Аммо интеллектуал мулк халқаро атама сифатида эътироф этилаётганлиги туфайли, бизнинг қонунларимизда ҳам шундай аталаётганлиги туфайли, уни айнан интеллектуал мулк, деб аташни тавсия қиламиз. Бу атама ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам келтирилган. Унда таъкидланишича "Интеллект (*лотин.* intellectus – акл, идрок, тасаввур)"[2] маъноларини англатади. Ушбу атамага мазкур луғатда иккита изоҳ берилган. "1 *кишининг фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, зеҳн.* 2 Шундай ақл-идрок, зеҳин фаросат эгаси"[3]. Худди шундай изоҳни "Интеллектуал" атамасига ҳам берилган. "Интеллектуал (лот intellectus – ақл-идрок, билиш; тушуниш)"[4] деган маъноларни англатади. Бунга ҳам иккита изоҳ берилган "1 *от* Маънавий эҳтиёжлар *билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак ва* мураккаб турлари билан шуғулланувчи (шахс) *...айниқса илмий, яъни интеллектуал кишилар...*"[5]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, "интеллект", "интеллектуал" атамалари бевосита инсоннинг ақли ва унинг маҳсули билан боғлиқ тушунчалардир.

Инсон ақлини ишлатиш баробарида янгилик яратади. Бу янгиликни хозирги пайтда инновация, деб юритилмокда. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2-расм).



2-расм. Интеллектуал мулкнинг шаклланиши ва унинг ишлатилиши билан боғлиқ жараёнлар эволюцияси

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи. 1998. - Б. 20.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-Н. Е-М. Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б. 216.

[3] Ўша жойда. - Б. 216.

[4] Ўша жойда. - Б. 216.

[5] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-Н. Е-М. Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б. 216.

Мазкур расмда келтирилган тушунчаларнинг ҳар бирининг таърифини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бу борада олимларимизнинг кўпгина қарашлари мавжуд. Уларга тўхталиб ўтирмасдан ўзимизнинг қарашларимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Интеллектуал (аклий) фаолият дейилганда янги асар, ғоя, қараш, маҳсулот, иш, хизмат турини яратишга қаратилган мақсадли харакатлар мажмуаси тушунилади. **Интеллектуал мулк** деганда, одатда, макон ва замонда олиб бориладиган интеллектуал фаолиятнинг натижасида вужудга келадиган мулк тушунилади.

«Инновацион фаолият» атамаси негизида, кўриниб турибдики, аввалambор, **«инновация»** сўзи. ушбу сўз негизининг ўзида эса **«новация»** сўзи ётади. Ўзбек тилининг луғотига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча **«innovation»**, русчасига **«инновация»** сўзи ўзбек тилида «киритилган янгилик, ихтиро»[6] сўзларини англатади. Ушбу атамага ҳам учта изоҳ берилган: "1 *ишт* техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш максадида иктисодиётга сарфланган маблағлар. 2 Илғор техника ва технология, бошқариш ва б. соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши. 3 *тлш* муайян тилда , асосан унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)"[7]. Шуни эътироф этиш керакки, инновация сўзининг ўзагини сўзи ташкил қилади. Бу **«Новация»**, сўзи лотинча **«novation»** сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилининг луғотида "янгилик, янги тартиб (расм, одат, усул ва ҳ. к.)"[8] маъносида талқин этилган.

Умумий хулоса килиб айтганда, махсус луғотларда ва адабиётларда инновация атамасига турли нисбатлар берилган:

(1) "техника ва технология авлодини алмаштиришни таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ киритиш";

(2) "илмий-техник тараққиёти ютуқлари натижаси хисобланган янги техника ва технология";

---

[6] Ўзбек тилининг изохли лугати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж-Н. Е-М./Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошк.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 212.

[7] Ўша жойда. – Б. 212.

[8] Русча – ўзбекча лугат. 2 томлик. I-том / – "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 1983. – Б. 667.

(3) "янгиланишга килинган инвестиция, янги жараён. махсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси";

(4) "янги техника ёки технологияга, мехнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа максадларга киритилган капиталдан олинган моддий хамда номоддий мулк";

(5) "янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари. бу жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи янги фаолият" сифатида хам таърифлар берилган.

Юқорида келтирилган изохларга асосланиб, таъкидлаш мумкинки, «новация», «инновация», «инновацион фаолият» хар кандай кишилик жамиятини, унинг иқтисодий-ижтимоий хаётини равнақ топтириш учун амалга оширилаётган ишларни, жараёнларни, моддий ва номоддий кўринишдаги янгиликни, янгидан яратилаётган мулкни ифодаловчи тушунчалардир. Бизнингча, ушбу атамаларга куйидагича таърифларни бериш мумкин.

Инновация дейилганда жамиятнинг турли ячейкаларида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ни, унинг моддий техника базасини янгилаш хамда ривожлантириш максадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбик этишга қаратилган махсус инновацион фаолият тушунилади.

Инновацион фаолият дейилганда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажаришга қаратилган моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбик этишга йўналтирилган жараёнлар мажмуи тушунилади. Инновация янгилик бўлса, уни жорий килишга қаратилган жараённи инновацион фаолият сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Инновацион фаолият натижасида инновацион махсулот яратилади.

Инновацион махсулот дейилганда бу инновацион фаолиятни олиб бориш натижасида олинган янгидан барпо қилинган ёки тубдан такомиллаштирилган моддий ёки номоддий мулк тушунилади. Моддий мулк шаклидаги инновацион махсулот бўлиб янги техника, янги махсулот, янги товар хисобланади. Номоддий мулк шаклидаги инновацион махсулот - бу янги яратилган ғоя, янги технология, янги хизмат тури, янгича дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалардир. Булар ўртасидаги боғлиқлик куйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Инновацион маҳсулотнинг яратилиш жараёни

Булардан кўриниб турибдики, интеллектуал мулк ва инновацион маҳсулотлар бир-бири билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ. Аммо уларнинг юзага келиш эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, инновация интеллектуал меҳнатнинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Демак, бунга эришиш учун, унинг яратувчиси, истеъмолчиси ва субъекти бўлган инсонга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Буни амалга оширишнинг асосий йўли илмни ривожлантириш эвазига фан ва техникани янгилаш ғояларини ишлаб чиқиш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш каби иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тадбиқ этишдир. Бу жараённинг узлуксизлиги жамиятнинг тараққиётини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

Иқтисодиётнинг замирида, унинг ривожланишида нима асосий роль ўйнаса, уни шундай, деб атайдилар. Масалан, қишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиёт бўлса, уни **аграр иқтисодиёт** деб атайдилар, саноатлашган иқтисодиёт бўлса, уни **индустриал иқтисодиёт**, режага асосланган иқтисодиёт бўлса, **режали иқтисодиёт**, деб юритиладилар. Ҳозирги бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни **бозорли иқтисодиёт**, деб аташ жоиз. Аммо мамлакатимиз келажаги инновацияга асосланган иқтисодиёт бўлиши тайин. Бундай иқтисодиётни **инновацион иқтисодиёт**, деб юриш лозим.

Қисқача ушбу иқтисодиёт тарихи хусусида. Инновацион иқтисодиётнинг вужудга келганига унча узоқ вақт бўлган эмас. Ушбу атама илк бор АҚШда пайдо бўлган. Унинг асосчиси америкалик **Э.Тоффлер** бўлиб ҳисоланади. Ушбу олим 1956 йилда тараққиётнинг ўзгариши, яъни иқтисодиётнинг ривожланиши янгиликларни жорий қилиш орқали амалга оширилишини исботлаб бериб, иқтисодий тараққиётнинг асосини инновациялар ташкил

қилишини ва бундай иқтисодиётни инновацион иқтисодиёт деб аталишини таъкидлаган эди.


Инновацион иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосида, бозор муносабатларида манфаатларни таъминловчи энг муҳим иқтисодий категория бўлиб **фойда** асосий роль ўйнайди. Маълумки, фойданинг замирида **манфаат** ётади. Бундай манфаатни биринчи бўлиб оддий иқтисодиётдан, яъни табиатда мавжуд нарсаларни ўзлаштириш йўлидан **қишлоқ хўжалигига** кўчди. *Бу соҳа фақат табиатда мавжуд нарсаларни* ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки инсон учун зарур нарсаларни экиб ўстириш эвазига етиштириш орқали ўз эҳтиёжларини таъминлади. У табиат билан инсон ўртасидаги иқтисодий муносабатларни вужудга келтирди ва инсонларга керак неъматларни етказиб беришда асосий роль ўйнади. Бу жараён бошланишда инсонларни ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилди. Энди иқтисодий ҳаёт шундай босқичга кирдики, *инсонлар ўз фаолияти натижасидан даромад олишга* қизиқиши пайдо бўлди. Бу эса, маҳсулотларни **ўз эҳтиёжларидан кўпрок ишлаб чиқиш** учун ҳаракат қилишга даъват эта бошлади.

Натижа шунга олиб келдики, ишлаб чиқарилган маҳсуортнинг ортиқча қисмини ишлаб чиқарувчилар сотадиган бўлди. Аммо уларнинг ҳамма жойга етказиш имконияти йўқ эди. Улар асосан ўзлари етиштирган маҳсулотини ишлаб чиқарган жойида сотар эди. Энди бошқа жойларга сотишни ва сотишдан кўпроқ фойда олиш билан *бошқа шахслар шуғуллана* бошлади. Бу шахслар фаолияти натижасида янги соҳа **савдо** вужудга келди. Асосий фойда ишлаб чиқаришдан *кўра савдода кўпроқ бўладиган* бўлди. Бу босқичларнинг ҳаммаси инновация, яъни иқтисодиётга янгиликларни киртиш эвазига ривожланди. Бунинг замирида кўриб турганингиздек, манфаат ётибди.

Ким ўз манфаатини кўзлаб иш тутса, у албатта, **инновацияга** *таянищи лозим. Инновация кеча* ҳам, бугун ҳам **ва** эртага ҳам тараққиётнинг *асосий омили* бўлиб қолиши баробарида, уларни тадқиқ қилиш ҳамиша долзарб бўлиб келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацияларни амалиётга жорий қилиш натижасида **инновацион иқтисодийт** вужудга келади. *Бу иқтисодиёт йўк жойдан бирданига шаклланиб*, пайдо бўлиб қолмайди. У аста-секинлик билан ўзининг эволюцион

босқичларига эга. Бундай босқичларни қуйидаги расмда кўриш мумкин (4-расм).



4-расм. Инновацион иқтисодиёт эволюцияси

Кўриниб турибдики, инновацион иқтисодиёт даражасигача келиш ва унинг ривожланиш жараёни бир қанча босқичларни ўз ичига олади. **Қўл меҳнатига асосланган иқтисодиётда** асосий иш қуроли инсоннинг қўли ва оддий иш қуроллари (кетмон, курак, болға, ўроқ ва ҳ.к.) ҳисобланган. Унда асосий ҳаракат инсоннинг кучи, яъни табиатда мавжуд нарсаларни жисмоний меҳнатини сарфлаш эвазига амалга оширилган. Аста-секинлик билан одамларнинг эҳтиёжи табиат неъматларини ўзлаштиришга қаратилганидан кейин, улар қишлоқ хўжалигини вужудга келтирган ва **аграр иқтисодиётни** шакллантирган. Ушбу иқтисодиётда яратилган маҳсулотлар ҳажмининг асосий қисмини аграр соҳада яратилган маҳсулотлар ташкил қилади.


Энди аграр соҳани ривожлантириш маълум даражада иш қуролларини такомиллаштиришни талаб қила бошлади. Бу қуролларни яратиш орқали индустриал иқтисодиётга асос солинди. Чунки инсонларнинг эҳтиёжи ва талаби эволюцион тарзда ошиб борди ва бу ҳолат иш қуролларининг такомиллашувини тақозо қилди. Шу тарика иқтисодиётнинг ривожланиши саноатлашиб бориши оқибатида **индустриал иқтисодиёт** вужудга келди ва ушбу иқтисодиётда асосий ҳаракатга келтирувчи куч инсон меҳнати билан бирга техника ва механизациялашган ҳамда автоматлашган жиҳозлар (ускуналар) эвазига амалга оширилади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши индустриал иқтисодиёт босқичида жуда тез тараққий этди. Натижада юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт шаклланди. Бу иқтисодий тараққиётнинг асосий омилига айланди. Бундай шароитда орқада қолмаслик ва ҳар бир мамлакат ўзининг яшавчанлигини ва ракобатбардошлигини таъминлаши учун иқтисодиётга инновацияларни жорий қилишни тақозо қилди. Бу фан ва техника

кўпайтирмасдан, ҳар бир кишининг меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига ҳам таъминлаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир ходим 20 донадан эмас, балки 24 донадан ишлаб чиқарадиган бўлса, уларнинг умумий ишлаб чиқарган ғишти 100 дона эмас, балки 120 донани ташкил қилади. Бундай ўсишни **интенсив омиллар эвазига ўсиш** деб юритилади.

Интенсив омилларга фойдаланилаётган ресурсларнинг самарадорлигини ошириш эвазига эришиш мумкин. Бундай ресурсларга моддий ресурсларни (асосий воситалар, айланма маблағлар), меҳнат (ходимлар сони) ва номоддий активларни (патентлар, ихтиролар, фойдаланиш ҳуқуқлари, лицензия кабилар) киритиш мумкин.

XXI-асрнинг характерли хусусиятларидан бири иқтисодий ўсишни таъминлашда яна бир омилнинг пайдо бўлганлиги билан ифодаланади. Бу омил **инновацион омиллардир**. Инновация бевосита интенсив ва экстенсив омилларнинг ўзларини ҳам такомиллаштириш имконини беради. Шундай қилиб, жамиятнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган омиллар тизими такомиллашиб бомокда. Буни ушбу расмда кўриш мумкин (5-расм).




5-расм. Иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар

кўпайтирмасдан, ҳар бир кишининг меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига ҳам таъминлаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир ходим 20 донадан эмас, балки 24 донадан ишлаб чиқарадиган бўлса, уларнинг умумий ишлаб чиқарган гишти 100 дона эмас, балки 120 донани ташкил қилади. Бундай ўсишни **интенсив омиллар эвазига ўсиш** деб юритилади.

Интенсив омилларга фойдаланилаётган ресурсларнинг самарадорлигини ошириш эвазига эришиш мумкин. Бундай ресурсларга моддий ресурсларни (асосий воситалар, айланма маблағлар), меҳнат (ходимлар сони) ва номоддий активларни (патентлар, ихтиролар, фойдаланиш ҳуқуқлари, лицензия кабилар) киритиш мумкин.

XXI-асрнинг характерли хусусиятларидан бири иқтисодий ўсишни таъминлашда яна бир омилнинг пайдо бўлганлиги билан ифодаланади. Бу омил **инновацион омиллардаир**. Инновация бевосита интенсив ва экстенсив омилларнинг ўзларини ҳам такомиллаштириш имконини беради. Шундай қилиб, жамиятнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган омиллар тизими такомиллашиб бомоқда. Буни ушбу расмда кўриш мумкин (5-расм).



5-расм. Иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар

Ҳар бир гуруҳ омилларда тўртта ресурсдан фойдаланилади. Булга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат ресурслари киради. Инновацион жараёнда ҳаммаси янгиланиб такомиллашиб боради. Масалан асосий воситаларни ташкил қиладиган моддий ресурс олдин қўл меҳнати билан ишлайдиган меҳнат қуроллари бўлган бўлса, аста-секинлик билан механизациялашган меҳнатдан фойдаланилади. У ҳам такомиллашиб технологиялар автоматлаштирилади. Жиҳоз ва ускуналар шунга мос тарзда модернизация қилиниб борилади. Автомотлаштиришнинг ҳам юкори боскичи роботларнинг. бутунлай одамларнинг иштирокисиз ишлайдиган технологияларнинг такомиллашувига ҳам эришилади.

Сифатли махсулот ишлаб чиқариш учун сифатли хом ашё керак бўлади. Уни инновацияларни жорий килиш эвазига такомиллаштириш, сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш мумкин.

Худди шундай ҳолатни меҳнат ресурсларига, яъни ходимларга ҳам тадбиқ килиш мумкин. Технологияларни такомиллаштирган бу одамлар, шунга мос бўлган малакага ҳам эга бўлиб бориши мумкин.

Номоддий активлар ҳам худди шундай. Масалан, лицензияни оддий технологияга эмас, балки юқори технологиялардан фойдаланиладиган жараёнларни таъминлайдиган асбоб-ускуналардан иборат мажмуаларга бериш мумкин ва ҳ.к.

3. Юқори технологик хизматлар – инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида асосий омил

Жамиятнинг келажаги юқори технологияларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ инновациларга асосланган инновацион иқтисодиётга бўлиб ҳисобланади. Бундай шароитда оддий малакасиз ва арзон иш кучи бархам топади. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий куч интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонлар бўлиб ҳисобланади.

Инсонда мужассамлашган интеллектуал салоҳиятнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фан, техника ва уларнинг ҳосиласи бўлган юқори технологиялар, улар ўртасидаги интеграцион жараёнлар, уларнинг инсонлар томонидан яратилиши;

- таълим тизими ва уларда кўрсатиладиган замонавий хизматлар;

- илм, унинг ҳосиласи бўлган инновация ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига тадбиғи;

- юқори технологияга асосланган хизматларга бўлган эҳтиёж ва уларни амалга ошириш жараёнида инсоннинг иштироки. Булар ўртасидаги муносабатлар қуйидаги расмда кўрсатилган (6-расм).



6-расм. Инсонда мужассамлашган интеллектуал салоҳиятининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар

Шундай қилиб, юқорида келтирилган расмдан ва қисқача ифода этилган шарҳлардан бир қанча хулосалар қилиш мумкин.

Биринчидан, интеллектул фаолият ёки ҳозирги замонга мос келувчи инновацион фаолият ҳар қандай кишилик жамиятини узлуксиз равнақ топтириш учун зарур бўлган фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолиятга асосланган ҳолда олиб борилаётган иқтисодиётни «инновацион иқтисодиёт» деб аташ мумкин. Иннвацион иқтисодиётнинг ижодкори инсон ва ундан манфаатдори ҳам инсондир. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашувлар, энг замонавий техника ва технологияларга асосланмаган иқтисодиётни

«инновацион иқтисодиёт» деб атаб бўлмайди. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашувлар, энг замонавий техника ва технологияларга асосланган «инновацион иқтисодиёт», ўз навбатида, иқтисоддиётни янгилаш, модернизациялашни тақозо этади. Ҳозирги пайтда бизнинг республикамизда қурилаётган иқтисодиёт айнан ушбу талабларга тўлиқ жавоб берадиган, яъни модернизация қилинаётган «инновацион иқтисодиёт» ҳисобланади. Аммо ҳозирги босқичда жорий қилинаётган янги техника ва технологиялар асосан хориждан олиб келинаётганлари ҳисобига ривожланмокда. Ҳақиқий инновацион иқтисодиётга эришиш учун янги техника ва технологияларни ўзимизда ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

Инновацион иқтисодиётни таъминлаш учун инновацион тараққиётни таъминлаш лозим. Инновацион тараққиётга илғор юқори технологияларни хориждан олиб келиш эвазига ҳам амалга ошириш мумкин. Фақат шуни инобатга олиш лозимки, хориждан олиб келинаётган технологиялар ўзимизда юқори технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиши лозим.

Иккинчидан, интеллектуал мулк ёки ҳозирги замонга мос келувчи инновацион маҳсулот ҳар қандай кишилик жамиятининг ўта муҳим бойлиги ҳисобланади. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашишлар, энг замонавий техника ва технологиялар кўринишидаги «инновацион маҳсулот» жамиятни харакатга келтирувчи кучли воситалардир. Жамиятда юз бераётган янгиланиш, модернизация ва реконструкция жараёнлари ушбу «инновацион маҳсулот»ни келгусида янада кўпайтиришга имкон беради. Чунончи, ҳозирги пайтда бизнинг республикамизда иқтисодиётнинг реал секторларини кенг кўламда модернизациялаш жараёни кетмокда. Аммо мамлакатимизни энг ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш учун нафақат иқтисодиётни, балки бутун мамлакатни, унинг барча иқтисодий-ижтимоий ҳаётини модернизациялаш лозим бўлади. Бизда бундай стротегия ишлаб чиқилган. Аммо уни амалга ошириш жараёни кенг кўламли ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Учинчидан, жамият равнақида муҳим аҳамиятга эга бўлган интеллектуал мулкни, яъни инновацион маҳсулотларни янада кўпайтириш улуғ ва устувор вазифалардан биридир. Бу улуғ ва устувор вазифани ҳар бир меҳнат жамоаси, оила аъзолари томонидан бажаришга эришишимиз халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг ўта муҳим омилидир. Интеллектуал мулкни

кўпайтиришга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб фан ва таълим интеграциясини таъминлаш ҳисобланади. Хўш, ушбу интеграциянинг ўзи нима? Фан ва таълим интеграцияси нима беради? Бу интеграцияга қандай йўллар ва воситалар билан эришиш мумкин? Бу саволларга эавоб бериш учун ушбу соҳани алоҳида тадқиқ қилишга тўғри келади.

Хуллас, янги ғоялар инновацияни шакллантиради, инновацилар эса, юқори технологияларни барпо қилишга замин ҳозирлайди. Буни иқтисодиётга жорий қилиш уни модернизация қилиш билан боғлиқ бўлади. *Бундай боғлиқликлар қуйидагича ифодаланади* (7-расм).



7-расм. Иқтисодиётни модернизациялашнинг асоси бўлган инновация ва юқори технологияларнинг бир-бири билан боғлиқлиги

Кўриниб турибдики, юқори технологиялар ва уларни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ хизматлар, бевосита инсонларда пайдо бўлган янги ғояларга боғлиқ. Янги ғоя берадиган инсонлар юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўладилар. Барча билимлар ва тажрибалар мажмуаси инсонда мужассамлашган инсон капиталини ташкил этади. Самарали инсон капитали ва юқори даражадаги интеллектуал салоҳият юқори технологияларни яратишга кодир бўлади. Буларнинг ҳаммаси иннавацион тараққиётни таъминлайди. Унинг ҳосиласи инновацион иқтисодиётдир. Инновацион тараққиёт мамлакатимиз келажагини таъминловчи инновацион иқтисодиётнинг асосий омилдир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида нусха кўпайтириш қурилмасида кўпайтирилди. Адади 100.

Самарқанд ш. Амир Темур кўчаси, 9